

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**469** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фарғона вилоятида бўлган вақтдаги топшириқларини амалга оширишга доир Тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида

Фарғона вилоятининг саноат салоҳиятини ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳоли пунктларининг архитектуравий кифасини яхшилаш ва ободонлаштиришни таъминлаш, шунингдек вилоят аҳолисининг турмуш даражасини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 октябрда Фарғона вилоятида бўлган вақтдаги топшириқларини амалга оширишга доир Тадбирлар режаси (кейинги ўринларда Тадбирлар режаси деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари билан биргаликда:

тасдиқланган Тадбирлар режасининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этсинлар;

Тадбирлар режасини амалга оширишни молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини аниқласинлар;

Тадбирлар режасининг бажарилиши юзасидан доимий мониторинг ўрнатсинлар ҳамда муаммоли масалаларни ҳар ойда кўриб чиқсинлар, уларни ҳал этиш юзасидан зарур тезкор ва амалий чора-тадбирлар кўрсинлар.

3. Фарғона вилояти ҳокимлиги (Неъматов):

бир ҳафта муддатда ушбу қарорни бажариш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин, унда бажариш муддатлари ва бажариш учун масъулларни кўрсатган ҳолда қарорни бажаришнинг календарь жадвалини тасдиқлашни назарда тутсин;

ҳар ойда тадбирларнинг бажарилиши муҳокамасини ташкил қилсин, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли ахборот тақдим этсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва Фарғона вилояти ҳокимлиги раҳбарлари Тадбирлар режасининг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб берадилар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 1 ноябрь,
293-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 1 ноябрдаги 293-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 октябрда Фарғона
вилоятида бўлган вақтдаги топшириқларини амалга оширишга доир
ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари	Масъул бажарувчилар	Бажариш мuddатлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012 — 2015 йиллар даврида Фарғона шаҳрининг 2030 йилгача бўлган бош режасини амалга ошириш, ижтимоий ва транспорт-коммунал инфраструктура объектларини реконструкция қилиш ҳамда модернизациялашга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» қарори лойиҳасини тайёрлаш.	Р.С. Азимов, Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Молия вазирлиги (Гуськова), Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Тохтаев), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Неъматов)	2011 йил 28 октябрь
2.	Қайта ишлаш корхоналарини, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш ҳисобига саноатнинг ялпи минтақавий маҳсулотдаги улушини ошириш дастурини ишлаб чиқиш.	Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Рўзиев), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Неъматов)	2011 йил 1 декабрь
3.	Хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва унинг кўрсаткичларини ўрғача республика кўрсаткичларигача етказиш чора-тадбирлари комплексини ишлаб чиқиш.	Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Неъматов)	2011 йил 1 декабрь
4.	Иш билан бандлик масалаларини, айниқса қишлоқ минтақаларида тубдан ҳал қилувчи янги иш ўринлари ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш.	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Хаитов), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Неъматов)	2011 йил 1 декабрь
5.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини пухта таҳлил қилиш ҳамда қўшилган қийматни ўстириш мақсадида уларни чуқур қайта ишлаш дастурини ишлаб чиқиш ва пахта, мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум ва шу кабиларнинг қайта ишланган маҳсулотларини экспортга етказиб беришни кенгайтириш бўйича таклифлар киритиш.	Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Рўзиев), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Фуломов), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Неъматов)	2011 йил 1 декабрь
6.	«Индорама-Кўқон-Текстиль» кўшма корхонаси билан Кўқон шаҳридаги соҳага оид коллежлар ўртасида мустақкам алоқалар ўрнатиш, коллеж ўқувчиларини ўқитишни ва корхоналарда таж-	А.Н. Арипов «Ўзбекенгилсаноат» (Ҳайдаров), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (Исмоилов), Фарғона вилояти ҳокимлиги	2011 йил 15 ноябрь

Т/р	Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари	Масъул бажарувчилар	Бажариш муддатлари
	<p>риба орттиришини ташкил этиш, бевосита коллежларда корхонанинг техник ходимлари томонидан ўқув-семинарлари ўтказиш.</p> <p>Корхонанинг ишлаб чиқариш цехларидаги ҳавони ишлаб чиқариш чангларидан тозалашнинг замонавий вентиляция тизимини, ишловчилар учун қулай микроклим яратган ҳолда, белгиланган стандартларгача етказиш.</p>	(Неъматов), «Индорама-Қўқон-Текстиль» ҚК	
7.	<p>Қўқон шаҳридаги «Ўрда»нинг туташ майдонини ландшафт архитектураси қоидалари асосида ободонлаштириш, майдон худудини суғориш тизимини ишлаб чиқиш.</p> <p>Қиш даврида шаҳарнинг иқлим шароитларига мувофиқ бўлган кўп йиллик дарахтлар (каштан, эман ва шу кабиларни) ва гул кўчатлари ўтказишни ташкил этиш.</p>	Бош вазир ўринбосари, Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари АТД (Ханов), Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Тохтаев), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Рўзиев), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Неъматов)	2012 йил 1 мартгача
8.	Қўқон шаҳридаги «Ўрда» майдони худудидида ландшафт архитектураси асосида янги «Эзгу ният» хиёбонини ташкил этиш ҳамда оила қурган ёшларнинг оилавий ришталарини мустаҳкамлаш мақсадида ушбу хиёбонни «Янги ҳаёт» деб номлаш.	Бош вазир ўринбосари, Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари АТД (Ханов), Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Тохтаев), Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (Кўзиев), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Неъматов)	2011 йил 1 декабрь
9.	Қўқонлик хунармандларнинг ютуқлари ва энг яхши анъаналарини намойиш этиш мақсадида Қўқон шаҳридаги «Ўрда» музейи экспозицияларини тубдан янгилаш ҳамда характерли бўлмаган экспонатларни (аравалар ва шу кабиларни) олиб ташлаш.	А.Н. Арипов, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги (Кўзиев), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Неъматов)	2012 йил 1 март
10.	Қўқон шаҳридаги «Жоме» комплексидан маънавият ва маърифат маркази сифатида фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқиш.	А.Н. Арипов, «Республика маънавият ва тарғибот маркази» (Мирзаев), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Неъматов)	2011 йил 1 ноябрь
11.	Президиум учун саҳна баландлигини пасайтириш ва залдаги ўриндиқларни янада оқилона жойлаштириш мақсадида Фарғона вилояти ҳокимлиги мажлислар зали дизайнини қайта ишлаш.	Бош вазир ўринбосари, Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари АТД (Ханов), Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Тохтаев), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Неъматов)	2012 йил 1 июль